SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2006-yil • 14-fevral • Seshanba • 19 (27.511) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАНАДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 13 ФЕВРАЛЬ КУНИ ОҚСАРОЙДА РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ФЕДЕРАЛ МАЖЛИСИНИНГ ДАВЛАТ ДУМАСИ РАИСИ БОРИС ГРИЗЛОВНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

Мамлакатимиз раҳбари Ўзбекистон билан Россиянинг ҳамкорлик алоқалари иттифоқчилик муносабатларига мос равишда изчил ривожланиб бораётганидан мамнуният изҳор этди.

— Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги ҳамкорлик юксак даражада ривожланиб бораётир, — деди Ислом Каримов. — Алоқаларимиз икки мамлакат манфаатларига бирдек мос келади. Сўнгги вақтда ўтказилган учрашувлар, имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон ва Россия ҳамкорликни ўзаро манфаатдорлик асосида ривожлантириб бораётганидан далолатдир.

Таъкидламоқ лозимки, ўзаро муносабатларни ривожлантиришда икки мамлакат парламентларининг алоқалари ҳам алоҳида ўрин тутмоқда. Б.Гризловнинг Ўзбекистонга ташрифи бунинг яна бир тасдиғидир. Мазкур ташриф мамлакатларимиз олий қонун чиқарувчи органлари йўналишида ҳам ҳамкорликни янада юксалтириш борасида амалий ишга киришилганидан далолатдир.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида Ўзбекистон — Россия муносабатларининг ҳуқуқий асосини янада мустаҳкамлаш ҳамда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиши муносабати билан ушбу тузилма доирасида амалга оширилиши лозим бўлган шартномавий-ҳуқуқий жараёнлар билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Б.Гризлов самимий қабул учун Президентимизга миннатдорлик билдирди.

(ЎзА)

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТАШРИФИ

Мамлакатимизда меҳмон бўлиб турган Россия Федерацияси Федерал мажлисининг Давлат думаси раиси Б.Гризлов раҳбарлигидаги делегация Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда изчил ривожланиб бораётгани, икки давлат раҳбарларининг олий даражадаги учрашувларида имзоланган ҳужжатлар бу борада муҳим омил бўлаётгани алоҳида таъкидланди. Айниқса, ўтган йилнинг ноябрь ойида имзоланган Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартнома ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқиш учун мустаҳкам асос бўлди.

Учрашувда Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги парламентлараро муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболи юзасидан атрофлича фикр алмашилди. Томонлар ҳамкорликни янги босқичга кўтариш учун барча имкониятлар мавжудлигини қайд этиб, истиқболда бу йўналишдаги алоқаларни янада фаоллаштиришга келишиб олдилар.

Б.Гризлов Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий ҳамжамиятига аъзо бўлиб киришини муҳим воқеа деб баҳолади. Парламентлараро алоқалар ушбу ташкилот доирасида ҳам муваффақиятли давом этишига ишонч билдирди.

(ЎзА)

ЎзХДП ҳаёти

Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотлар:
МАҚСАДИМИЗ — МУШТАРАКДИР

Маълумки, республика Соғлиқни сақлаш вазирлигида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси билан ҳамкорликда соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларнинг бориши ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган қонун ҳамда қарорларнинг бажарилишига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтган эди. Унда соғлиқни сақлаш тизимида эришилган ютуқ ва камчиликлар, муаммолар вилоятларда соҳадаги ислоҳотларнинг ижтимоий самарадорлигини оширишда партия ташкилотларининг ролини янада кучайтириш масаласига ҳам алоҳида аҳамият қаратилганди.

Ўзбекистон ХДП Тошкент вилояти кенгаши ва халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашидаги ХДП депутатлик гуруҳи ҳамда вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси ҳамкорлигида «Тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг самарадорлиги ва тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштиришга оид ишлар кўлами ва келгуси вазифалар» мавзуида давра суҳбати ташкил этилди.

Миллат саломатлигини муҳофаза қилувчи шифокорлар партия электоратининг муҳим таркибий қисмидир.

«Давра суҳбати»да Тошкент вилояти соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Нурмат Отабеков «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш давлат дастури» бажарилиши ҳақида гапирар экан, ҳали бу борада амалга ошириладиган ишлар мавжудлигига алоҳида эътибор қаратди. Жумладан у ўз сўзида:

— Вилоятимиз аҳолиси саломатлигини муҳофаза қилиш, айниқса, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламига малакали тиббий хизмат кўрсатишда Шошилинч тиббий ёрдам илмий марказларининг роли катта. Вилоятимизда 20 та шошилинч тиббий ёрдам марказлари мавжуд бўлиб, улар республика Шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази филиаллари ҳисобланади.

Мақсадимиз эл саломатлигини муҳофаза қилиш, зеро, биз ҳам жамиятдаги барча партиялар, айниқса, Ўзбекистон Халқ демократик партиясига суянамиз, ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал қиламиз, — деди у.

«Давра суҳбати»да соҳадаги ислоҳотлар самарадорлигини оширишга ҳомийларни жалб қилиш хусусида фикрлашилди.

Оққўрғон тумани «Ўзбекистон» ширкат хўжалиги бошқаруви раиси, «Эл-юрт ҳурмати» ордени соҳиби Эргаш Ниёзов сўзга чиқди:

— Хўжалигимизда 4 минг аҳоли яшайди. Аҳолининг меҳнатига яраша ҳақ тўлаш, турмуш даражасини кўтариш орқали уларнинг малакали тиббий ёрдам олишларига имкон яратиш мумкин. Хўжалигимизда янги мактаб қурдик, қишлоқ врачлик пунктимизга ҳомийлик қиламиз, 5 гектар ер ажратдик.

Бу йил КВПмизни, туман марказий шифохонасининг реанимация бўлимини таъмирлашга ҳомийлик қиламиз.

«Давра суҳбати» якунида ХДП Тошкент вилояти кенгаши раиси Сирожиддин Аъзамов соҳа ходимлари билан партиянинг мақсади муштараклигини яна бир бор таъкидлади.

Саида САЙХУН,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Суратларда: давра суҳбати иштирокчилари. **Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

ЎзХДП:
Муносабат
БИЗ ТАЛПИНГАН ҒОЯ, БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Худди кечагидек эсимда, 1992 йил 2-3 июль кунлари XII чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг X сессиясида Ислом Каримов шундай деган эди:

«Ўзбекистоннинг йўли шуки, биз тинчлик ва осойишталикни сақлаб, бозор иқтисодиётига ўтишни шошмасдан, аҳолининг ночор қисмини асраб-авайлаб, уларга етарли шарт-шароитларни яратиб бериб, ана ундан кейин амалга оширишга бел боғладик.

...Бизлар тўйда ҳам, азада ҳам ёнма-ён туриб, оддий кунларда ҳам бир-бирининг ҳолидан хабар олиб, каттанинг ҳурматини, кичикнинг иззатини жой-жойига қўйиб, бева-бечораларнинг, етим-есирларнинг бошини силаб, хуллас, одамгарчиликни барча нарсадан устун қўйиб яшаган инсонларнинг фарзандлари бўламиз».

Истиқлолимизнинг бир йиллиги арафасида илгари сурилган бу ғоя ўн бешинчи йилки, мустақиллик тенгдоши — ЎзХДП учун жамиятни демократлаштириш ва янгилашда, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишда бош мақсад бўлиб келмоқда. Бугун у Ўзбекистондаги сиёсий кучларнинг сўл қаноти сифатида айни шу ғоядан келиб чиқиб, ўзининг ижтимоий идеалини — ижтимоий демократик жамият барпо этиш, деб таъкидлади. Зеро, бу тавсиф ҳам ўн бешинчи йилки, давлатимиз раҳбарининг ҳар бир маърузасида таъкидланмоқда.

Президентимизнинг **«2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари»**га бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисида қилган маърузасини тинглаб ўтириб, беихтиёр ана шулар ҳақида ўйладим...

Майли, узоққа борманг, ўтган йили 28 январь куни давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисимиз Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузани эсланг: **«...мустақиллиқни мустаҳкамлаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш биз учун ҳамиша биринчи даражали устувор мақсад ва вазифа бўлиб қолаверади. Фақат мана шу асосда, мана шу негизда мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур. Инкор этиб бўлмайдиган ушбу ҳақиқат шу муқаддас заминимизда яшайдиган ҳар бир инсоннинг қон-қонига, вужудига сингиб кетишини истардим».**

Шубҳасиз, бу сўзлар ҳам партиямизнинг стратегик мақсадлари ва яқин келажакка мўлжалланган вазифаларини белгилаб олиш ҳамда уларни концептуал жиҳатдан асослашда катта роль ўйнади. ЎзХДП айни кезда ўз электорати эҳтиёжларини ўрганиб, ёрдам кўрсатиш бўйича дастур тузишга киришди. Меҳнатга қобилиятли кишиларнинг тўлиқ бандлигини таъминлаш тарафдори бўлди: **иш ва фаровонлик барча учун!** — деган ишларни ўртага ташлади.

Бозор шароитларига ҳозирча мослаша олмаган ва турли сабабларга кўра доимий иш ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлмаган, кам таъминланган, айниқса, қишлоқда истиқомат қилувчи фуқароларни, ўтиш даврининг мураккаб шароитларида манфаатларини қатъий ҳимоя қилишни ўз **мафкураси моҳияти** дея белгилади.

...Тўғри-да, ахир, мамлакатимиз мустақиллигини асраш, мустаҳкамлаш, Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши, юртимизда тинчлик барқарор бўлиши, ҳар бир оила ва бутун халқнинг фаровонлигини таъминлашдек умуммиллий манфаатдан устун — бошқа яна қандай манфаат бўлиши мумкин!?

2-бет

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракциясининг йиғилиши бўлиб ўтди.

Депутатлар дастлаб Президент Ислом Каримовнинг 2005 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2006 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқадиган вазифаларни муҳокама этдилар. Ушбу масала юзасидан Улуғбек Вафоев, Гулистон Аннақличева, Шарбат Абдуллаева ва бошқалар ўз фикрларини билдиришди. Депутатлар февраль ойининг охирида сайловчилар билан учрашувга чиққанларида маърузада кўтарилган масалаларни халқимизга чуқур тушунтириш, қонунчилик фаолиятларида ўзларига тегишли йўналишларни белгилаб олишга келишиб олдилар.

Шундан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман)нинг 2005 йилдаги ҳисоботи тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Ушбу масала юзасидан Омбудсман Сайёра Рашидова ахборот берди. Ҳисоботда Омбудсман фаолияти икки палатали парламент шароитида амалга оширилганлиги таъкидланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқлари соҳасидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш, улар устидан мониторинг олиб бориш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш, Омбудсманнинг минтақавий вакиллари фаолияти ва бошқа масалалар ҳақида ҳам батафсил тўхталиб ўтилди.

Депутатлар — Насимқул Каримов, Рустам Тиллабоевларнинг Омбудсман фаолияти юзасидан фикрлари эшитилгандан сўнг, фракция аъзолари ҳисоботни маъқуллашга келишиб олдилар.

Биринчи ўқишда Қонунчилик палатаси мажлиси кун тартибига киритилаётган «Телерадиоэшиттириш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида фракция аъзоси Боймурод Юсупов аҳборот берди. Қонун лойиҳаси оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада демократлаштириш борасидаги ислоҳотларнинг устувор йўналишларини амалга ошириш Концепциясига мувофиқ тайёрланган бўлиб, у телерадиоэшиттириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишни кўзда тутади. Шунингдек, қонун лойиҳасида айрим камчиликлар борлиги хусусида ҳам тўхталиб ўтилди. Депутатлар лойиҳани биринчи ўқишда қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб топдилар.

Йиғилишда кўриб чиқилган барча масалалар юзасидан фракциянинг нуқтаи назари белгилаб олинди.

(Ўз мухбиримиз)

Спорт

ДОМИНИКАН КУРАШНИ СЕВАДИ

Кураш халқаро ассоциацияси (КХА) матбуот хизматидан ЎзА мухбирига хабар беришларича, Панамерика кураш конфедерацияси президенти Эдгар Клауре ўзбек халқининг миллий қадрияти — кураш расман Доминикан спорт ўйинлари дастурига киритилганини маълум қилган.

Уммон ортидаги мазкур нуфузли мусобақа 18-25 февраль кунлари Доминикан Республикасининг Санта Доминго шаҳрида ўтказилади. Аксарият мутахассислар курашнинг Доминикан ўйинларига қўшилишини Панамерикада мазкур спорт турига бўлган қизиқишнинг юқорилиги билан изоҳлашмоқда.

(ЎзА)

ШОИР ТАВАЛЛУД КУНИДА

Жорий йилнинг 9 февралида Москвада буюк ўзбек шоири ва файласуфи Алишер Навоийнинг жаҳон маданияти хазинасига қўшган бебаҳо ҳиссасига бағишланган конференция бўлиб ўтди. Ёзувчилар уюшмалари халқаро ҳамжамиятининг Ўзбек адабиёти бўйича кенгаши ва Ўзбекистоннинг Москвадаги элчихонаси томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда кўплаб таниқли ёзувчилар, фан ва маданият арбоблари, буюк шоир мухлислари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққан нотиқлар, хусусан, шоира О.Чернышева ва Г.Резниченко, Н.Корнилов сингари таниқли ёзувчилар Алишер Навоий ижодини янада чуқур ўрганиш масалалари, бу меросниг ўсиб келаётган янги авлодни тарбиялашдаги аҳамияти тўғрисидаги фикрлари билан ўртоқлашдилар.

Конференциядан сўнг тадбир иштирокчилари Добринин майдонидаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гуллар қўйдилар.

Музаффар ЗОҲИДОВ,
«Жаҳон»АА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2006 йил 14 февралдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	880,91	1 Малайзия рингити	321,09	1 ЕВРО	1421,96
1 Англия фунт стерлинги	2083,40	1 Польша злотийси	375,99	10 Жанубий Корея вони	12,23
1 Дания кронаси	190,58	1 СДР	1718,35	10 Япония иенаси	101,44
1 БАА дирхами	325,48	1 Туркия лираси	898,82	1 Россия рубли	42,33
1 АҚШ доллари	1195,43	1 Швейцария франки	914,50	1 Украина гривнаси	236,72
1 Миср фунти	208,77				
1 Исландия кронаси	18,76				
1 Канада доллари	1036,35				
1 Хитой юани	148,57				

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

O'ZSANOATQURILISHBANK
KO'PLARNI TANISHADI – MUNOSIBLARNI TANLASHADI!
Tel: 120-45-01, 120-45-82, факс: 133-32-40
www.uzpsb.com e-mail: info@uzpsb.com
Хизматлар лицензияланган

TOSHKENT SHAHAR MUNITSIPAL BIRJA MARKAZI
MULKDORGA HAMKOR!
Tel: 132-25-51, 133-46-61, Faks: 133-20-74
WWW.tshmbm.uz E-mail: info@tshmbm.uz va Birja@mail.tps.uz
Хизматлар лицензияланган

Миллий ҳамда чет эл валютасида барча банк хизматлари Сизнинг муваффақиятингиз учун!
«ПАХТА БАНК» – ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР
Хизматлар лицензияланган

ЎзХДП: қайта рўйхатдан ўтказиш

Шу кунларда Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолари қайта рўйхатдан ўтказилмоқда. Бу ташкилий-сиёсий тадбир партиянинг барча ташкилотлари ва аъзоларига тааллуқлидир. Ҳеч ким ундан четда туриши мумкин эмас. Чунки, гап миллий мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, янгиланиш йўлидан туб ислоҳотларни амалга оширишга, жамиятимизни демократлаштириш ишига ҳисса қўшаётган минглаб сиёсий фаол фуқаролар, қолаверса партия тақдири устида бормоқда.

Хўш, Ўзбекистон ХДП сафига ихтиёрий кирган кишиларни қайта рўйхатдан ўтказиш учун қандай эҳтиёж бор? Нима сабабдан партия ташкил этилганига 14 йил бўлгандан кейин бунга зарурат туғилди?

ПАРТИЯНИНГ КУЧИ АЪЗОЛАРИНИНГ КЎПЛИГИДА ЭМАС...

Маълумки, ҳар қандай сиёсий партия аъзоларини ягона ғоя, муштарак мақсад, умумий манфаатлар бирлаштиради. Партиянинг асосий ғоясини онгли равишда қабул қилган, унинг мақсад-муддаосини рўёбга чиқариш учун бел боғлаган, сиёсий рақиблар билан курашда ўз партиясининг дастурий ғоялари, сиёсатини дадил ҳимоя қилувчилар эътиқодли кишилар ҳисобланади. Бундайлар, одатда, партиянинг ўзагини ташкил этадилар.

Аммо, афсуски, партия аъзоларининг барчасини ҳам эътиқоди мустаҳкам, танлаган сиёсий йўлидан қайтмайдиган, ҳақиқий курашчилар, деб бўлмайди. Жаҳон тажрибасидан маълумки, айрим кишилар у ёки бу сиёсий партияга янглишиб кириб қоладилар, баъзилар эса кўпчиликнинг эмас, балки ўзининг шахсий манфаатини кўзлаб унга киради, яна бировлари партияга аъзо бўлган билан унинг ғояларини юракдан қабул қилмайдилар. Натижада улар муайян вазиятларда партияни осонгина тарк этадилар. Сон жиҳатидан йирик партияларда бундай ҳолатларнинг кўпроқ учраши эҳтимоли каттадир.

Агар Ўзбекистон ХДПга шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, айтиш мумкинки, у ўзининг қисқа тарихи давомида катта йўлни босиб ўтди, мамлакатдаги сон жиҳатдан энг йирик, тузилмалари барча маъмурий ҳудудларда фаолият кўрсатувчи, жамиятда ўз ўрнига эга бўлган нуфузли сиёсий партияга айланди. Унинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси ўзини парламент озчилигини ташкил этувчи муҳолифат деб эълон қилди.

Шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, Ўзбекистон ХДП бугун халқ партияси сифатида майдонга чиққан ва аҳолининг барча табақалари манфаатларини ифода этишга ҳаракат қилган, мафкураси ҳам шунга яраша умумий ғоялардан иборат бўлган ташкилот эди. Унинг дастур ва шиорлари бошқа сиёсий партияларнинг дастурий ҳужжатларига ўхшаганлиги учун танқидга учраган. ХДП фаолиятида мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партияларда бўлгани каби сустлик, мўртлик, ташаббуссизлик ҳоллари мавжуд бўлганлиги ҳам сир эмас.

Ўзбекистон ХДПнинг 2005 йил июль ойида бўлиб ўтган V қурултойи ва Марказий Кенгашнинг III пленуми партия ҳаётида бурилиш ясади. Унинг янги Дастури ва Устави қабул қилинди. Партиянинг янги сўл мафкураси асослаб берилди. Мамлакат аҳолисининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами ХДПнинг электорати эканлиги эълон қилинди. Пленум барча партия ташкилотлари фаолиятини электорат манфаатларига қаратилган аниқ амалий ишларга йўналтирди.

Бундай жиддий ўзгаришларни партиянинг барча аъзолари тўғри қабул қилдиларми, буларни ҳаётга татбиқ этишга тайёрмилар? Бу саволларни ҳаётнинг ўзи партия олдига қўймоқда. Қайта рўйхатдан ўтказишдан кўзланаётган мақсадлардан бири, шу жараёнда туғилган саволларга жавоб топишдир. Жумладан, сиёсий партияларга енгилгина ўтиб кетганлигининг гувоҳи бўлдик. Охирги сайлов кампанияси давомида ХДП сайланма органларининг қарорлари ва ўз эътиқодига хилоф равишда, бошқа сиёсий партиядан кўрсатилган депутатликка номзод учун овоз беришга даъват этган ёки рақиб номзоднинг ишончли вакили бўлиб хизмат қилган қўшиночи ичидаги демократларни ҳам кўрдик. Партиянинг ғоялари ва сиёсатини рўёбга чиқариш учун ҳеч қандай ҳаракат қилмаётган партиядошлар ҳам топилади. Бошқа манзилларга кўчиб кетиб, ҳисобда турган партия ташкилотлари билан алоқаларини узиб қўйган сафдошлар борлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида бундай аъзолар аниқланиб, уларнинг партияда қолиш ёки қолмаслик масаласини ҳал этиш имконияти туғилади.

Ушбу тадбирнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки ЎзХДП туман, шаҳар кенгашлари раҳбарлари барча бошланғич партия ташкилотларида бўлиш, ҳар бир партия аъзоси билан учрашиб, суҳбатлашиш имкониятига эга бўладилар.

Қайта рўйхатдан ўтказиш енгилгина ҳал этиладиган вазифа ёки оддий ҳаракат бўлмай, балки партиянинг барча тузилмаларидан аниқ мўлжални кўзда тутган ташкилотчилик, тарғиботчилик, тушунтириш ишларини узоқ муддат давомида олиб боришни талаб қиладиган мураккаб сиёсий-ташкилий жараёндир. Шуларни ҳисобга олган ҳолда, Марказий Кенгаш томонидан ушбу тадбирни талаб даражасида амалга ошириш бўйича режали ишлар олиб борилмоқда. Биринчи навбатда, ЎзХДП V қурултойи кўрсатмасига мувофиқ, қайта рўйхатдан ўтказишнинг ҳуқуқий-ташкилий меъёрий замини яратилди: МК Ижроқўми Ҳайъатининг тегишли қарори қабул қилинди ва қайта рўйхатдан ўтказиш тартиби тасдиқланди, уни амалга ошириш учун зарур бўлган ашёлар (қайта рўйхатдан ўтган ХДП аъзолари қайд этиладиган махсус китоб, партия билетига қўйиладиган штамп ва ҳоказолар) тайёрланди. Ўтган йилнинг куз-қиш ойларида, туман ва шаҳар партия кенгашлари бошланғич партия ташкилотлари билан биргаликда ХДП аъзоларининг ҳисоб варақалари асосида ким бору ким йўқлигини бирма-бир текшириб чиқдилар.

Декабрь ойининг охирларида Марказий Кенгаш барча минтақавий, туман ва шаҳар партия кенгашлари раисларини Тошкентда йиғиб, улар билан семинар-кенгаш ўтказди. Қайта рўйхатдан ўтказишни жойларда ташкил этувчи партия ўрта бўғини етакчиларига мазкур тадбирнинг моҳият ва аҳамияти, уни ташкил этишнинг тартиб-қоидалари тушунтириб берилди. Партия фаолларида бу соҳада муайян кўникмалар ҳосил бўлишини кўзлаб махсус тренинг ўтказилди. Шунингдек, уларга мавзуга оид меъёрий ва услубий материаллар тўплами тарқатилди, тавсия ва маслаҳатлар берилди.

Қорақалпоғистон республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари, ўз навбатида, жойларда қайта рўйхатдан ўтказиш билан боғлиқ масалаларни иҳроқўмларнинг кенгайтирилган йиғилишларида кўриб чиқиб, Марказий Кенгашнинг қарор ва кўрсатмаларини бажаришга қаратилган ўз вазифаларини белгиладилар. Барча ишларга раҳбарликни амалга оширувчи мувофиқлаштириш кенгашлари тузилди ва минтақавий партия сайланма органлари аъзолари туман, шаҳар партия ташкилотларига бириктириб қўйилди.

Бундай иш туман, шаҳар партия ташкилотларида ҳам олиб борилди. Ҳар бир партия кенгаши қайта рўйхатдан ўтказишни амалга оширувчи ўз комиссиясини ташкил этди. Партия кенгаши раиси бошчилигидаги мазкур комиссиялар таркибига партия фаоллари киритилди. Бошланғич партия ташкилотларида ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш жадваллари тузилди. Партия қўйи бўғини фаоллари билан тушунтириш ишлари ва маслаҳатлашувлар олиб борилди, уларга тегишли ашёлар етказиб берилди.

Шундай қилиб, жорий йилнинг дастлабки ҳафтасидан Ўзбекистон ХДП аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бошланди. Марказий Кенгаш томонидан ташкил этилган мониторинг натижаларига кўра, январь ойининг биринчи ўн кунлигидаёқ мавжуд 200 та туман ва шаҳар партия ташкилотларидан 171 тасида ЎзХДП V қурултойининг бу ҳақдаги қарорини бажаришга киришилди. Кейинчалик қолган жойларда ҳам давом эттирилади.

Қайта рўйхатдан ўтишнинг бориши тўғрисида жойлардан олинаётган тезкор маълумотлар шундан далолат берадики, Ўзбекистон ХДП сафида туриб сиёсий фаолият кўрсатишни тўхтатмасликка аҳд қилган инсонлар кўпчиликни ташкил этади. Кўпгина сафдошларимиз ЎзХДП V қурултойи ишлаб чиққан бош йўлни, партиянинг янги мафкуравий мўлжаллари, дастурий устуворлик ва амалий ишларга йўналтирилган сиёсатини тўла маъқуллашмоқдалар. Шу билан бирга улар партиямиз олдида турган жорий ва истиқболли вазифаларни бажариш учун нималар қилиниши лозимлиги тўғрисида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини ҳам билдирмоқдалар. Чунончи, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети сиёсатшунослик факультети иккинчи босқич магистри Актамжон Ҳоловнинг айтишича, у университетнинг биринчи курсида ўқиб юрган кезларидаёқ Ўзбекистон ХДП сафига кирган. Партияга аъзолик, дейди у, менинг ўқишимга халақит бермади, аксинча сиёсат сирларини ўрганишимга, жамоат ишлари билан шуғулланишимга мадад берди. Мен партиямиз V қурултойи қабул қилган янги Дастурдаги аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари, шу жумладан, ёшлар, талабалар манфаатларини ифода этиши тўғрисидаги қоидаларига қўшиламан. Менга ўхшаган ёшлар партия ғояларини амалга ошириш учун курашсалар, улар рўёбга чиқади. Шунинг учун мен Ўзбекистон ХДП сафида қолиб, унинг ишларига ўз ҳиссамни қўшмоқчиман. Мен олти йилдан буён шу партиянинг аъзосиман, деди суҳбат чоғида Хонқа туманидаги 38-мактаб ўқитувчиси Иноят Бобожонов. Мамлакатимизда мавжуд бўлган сиёсий партиялар орасида халққа энг яқини ХДПдир. Партиямиз одамларнинг ташвиш-дардини билишга ва уларнинг ечимини топишга ҳаракат қилмоқда. Унинг ибратли ишлари ҳақида вилоятимиз ва туманимиз партия ташкилотлари ҳаётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Мен бундай партияда бўлишимдан фахрланаман. Қўшработ туманидаги узоқ Оқтепа қишлоғида болалар боғчасида мудира бўлиб ишлаётган Раҳима Ширинқулова ҳам суҳбат чоғида партиянинг фаолияти кейинги пайтларда кучайганлигини, бу ҳақда «Ўзбекистон овози» газетаси ва телевидение орқали ахборот олаётганлигини қувониб айтди. ЎзХДПнинг сўл партия сифатида камҳарж одамларни, иқтисодий қийналган оилаларни, аёлларни қўллаб-қувватлаши жуда яхши, деди у.

Шуниси диққатга моликки, кўплаб фуқаролар айни шу кунларда Ўзбекистон ХДП сафига киришга ҳоҳиш билдирмоқдалар. Масалан, Тошкент шаҳар электр тармоқлари корхонасида электрик-чилангар бўлиб ишлаётган Мария Поплавская Ўзбекистон ХДП сафига қабул қилишни сўраб бошланғич партия ташкилотига мурожаат этди. Мен, деди Мария Юрьевна, Ўзбекистон ХДП янги Дастури билан танишдим ва у менга жуда ёқди. Айниқса, партиянинг аҳоли иҳтимоий заиф гуруҳларини ўз ҳимоясига олиши менга маъқул бўлди. Шунинг учун мен бундай партия сафида бўлишни истайман.

Партия сафларининг тасодифий аъзолардан тозаланиши ва сўллик ғояларини қабул қилган, ғайратли, ташаббускор кишилар билан тўлдирилиши қайта рўйхатдан ўтказишнинг энг муҳим жиҳатларидан биридир. Чунки, ўз сафларини кўрикдан ўтказган, аъзоларининг бир қисмини йўқотишдан қўрқмаган партия, охир-оқибатда, анча мустаҳкамланади. Зеро, мустақиллик йилларида тўпланган тажриба шундан далолат берадики, сиёсий партиянинг кучи унинг аъзоларининг кўплиги билан эмас, балки ғояларининг ҳаётийлиги, улар атрофида уюшган кишиларнинг партияга эътиқоди мустаҳкамлиги, дастурий устуворликлари ва сиёсатининг шу куннинг талаблари, электоратининг манфаатларига жавоб бериши, ташкилотларининг фаол амалий ишлари ва ниҳоят, уни қўллаб-қувватловчи тарафдорларининг кўплиги билан ўлчанади.

Қайта рўйхатдан ўтказиш жараёнида жойларда айрим жузъий хато ва нуқсонлар борлиги аниқланди. ХДП аъзолари ўртасида олиб борилаётган тушунтириш ишларининг етарли эмаслиги, тасдиқланган жадвалларга риоя қилмаслик, тегишли ҳужжатларни тўлдиришда хатоларга йўл қўйиш ва бошқалар шулар сирасига киради. Шунинг учун қайта рўйхатдан ўтказиш масалалари Марказий Кенгашнинг доимий эътиборида бўлмоқда. Унинг боришини жойларда мунтазам ўрганиш ва партия минтақавий кенгашларидан тезкор ахборотларни олиб таҳлил этиш йўлга қўйилган. Яқинда эса партия Қорақалпоғистон республика, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари раҳбарлари иштирокида республика кенгаши ўтказилиб, қайта рўйхатдан ўтказишнинг дастлабки натижалари ҳар томонлама муҳокама қилинди. Бу ишда сусткашлик ва жиддий камчиликларга йўл қўяётган ташкилотлар раҳбарлари танқид қилинди, аҳволни ўнглаб олиш бўйича тавсиялар берилди.

Хуллас, шу кунларда катта сиёсий-ташкилий ишлар давом этмоқда. Унинг партиямиз кучига куч қўшиши, нуфузини ошириши, сафдошларимизнинг янада фаолроқ бўлишларига хизмат қилишига ишончимиз комил.

Собир ҚУРБОНОВ

ЎзХДП:

Муносабат

БИЗ ТАЛПИНГАН ҒОЯ, БИЗ ТАНЛАГАН ЙЎЛ

МАМЛАКАТ АҲОЛИСИНИНГ ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ҚАТЛАМЛАРИ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДАЛАЙДИ ВА ҲИМОЯ ҚИЛАДИ

Айни шу нуқтаи назардан ҳам, Юртбошимиз айтган эдилар: **«...Бизга катта умид ва ишонч билан қарайдиган одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида, рўзғор тебратишида, умуман кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши, табиий ҳол.**

Шунинг учун ҳам биз қаерда, қайси лавозимда ишламайлик, раҳбарлик ишимизнинг самараси ва маҳсули охир-оқибатда ана шундай МЕЗОН билан ўлчанади, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз».

Куни кеча Вазирлар Маҳкамасида бўлган йиғилишдаги маърузада ҳам асосий эътибор — иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, жумладан, Ўзбекистоннинг ўзига хос демографик хусусиятлари, бандлик, аҳоли даромадларини кўпайтириш билан боғлиқ ва бошқа ўта муҳим муаммолар ечимига қаратилди. Қилинган саъй-ҳаракатларнинг якунлари билан бирга, 2006 йилда эгалланиши керак бўлган иқтисодий марралар қатори ижтимоий вазифалар кўламига ҳам муфассал тўхтаб ўтилди. Чунончи, ўтган йили ривожланишида туб бурилиш бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг бандлик ва аҳоли даромадларини ошириш масалалари ечимида етакчи ўрин тутгани алоҳида қайд этилди. Пенсиялар, стипендиялар, нафақалар ўртача 40 фоизга оширилди. Бу — аҳолининг реал даромадларини 22 фоизга кўпайтириш учун асос бўлди.

Хусусан, маърузанинг бош мавзуларидан бири — аҳоли даромадлари ва турмуш даражасининг ошишида ўта муҳим шарт — бандлик масаласи ечими — ЎзХДП талпинган ғоя ва танлаган йўлни янаям қўллаб-қувватловчи омил бўлди. **«Мазкур долзарб муаммони ечиш,** — деди Президент, — **нафақат иқтисодий, балки улкан ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга эга бўлиб, халқимиз турмуш даражаси ва фаровонлигини ошириш билан бевосита боғлиқ...»**

Дарвоқе, яқиндагина қабул қилинган қатор қарор ва дастурларга кўра янги микрофирмаларнинг ташкил қилиниши, оилавий бизнес ҳамда кичик хусусий корхоналарнинг ривож олиши, микрокредитлаш тизимларининг рағбатлантирилиши — шубҳасиз, бандлик дастурининг муқаррар ижросига хизмат қилади. Ёки йирик саноат корхоналари билан касаначиликнинг кооперациялашувидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш борасида бошланган амалий тадбирларни олинг... Янги иш ўринлари яратишга қаратилган бу йўналишларнинг аксарияти катта капитал маблағ талаб этмаслиги билан ҳам диққатга сазовор. Ҳолбуки, улар неча ўн минглаб кишиларни, айниқса, хотин-қизлар, қишлоқ ёшларини иш билан таъминлаш, кўп болали оилаларнинг даромадини сезиларли даражада кўпайтириш, пироварди, аҳоли фаровонлигини ошириш имконини бермоғи муқаррар.

Маърузада, ҳар галгидек яна бир бор уқтириб ўтилдики, **«Биз ислоҳотларни шунчаки ислоҳот учун амалга оширмаяпмиз. Ислоҳотлар қандай самара бераётгани, улар одамларнинг ижтимоий аҳволига қандай таъсир кўрсатаётганини ҳисобга олиш муҳим аҳамиятга эга».** Айни шу жиҳатдан олганда, 2006 йилда бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақи ўртача (икки босқичда) 1,4 маротаба ошиши кўзланганлиги муносабати билан худди шундай миқдорда, пенсия, нафақа, стипендия ва бошқа ижтимоий кўмаклар ҳам кўпаяди. Аҳолининг реал пул даромадлари камида 20 фоизга ўсиши кутилади. Солиқ ставкалари сезиларли даражада камаяди. Даромадларни кўпайтириш учун дивидендлар ва фоизлар бўйича даромад солиғи ҳам муайян миқдорда пасаяди. Микрокредитлар ва микролизинглар механизми жорий этилиб, уларнинг хизмат турлари кенгаяди. Бу борада ҳудудларда ўз филиалларига эга бўлган ихтисослашган банк ташкил этилади. Хусусан, қишлоқ аҳолисига ҳозиргидек нафақат енгил автомашина, балки, мебель, телевизор, холодильник, кир ювиш машиналари ва бошқа маиший товарлар харид қилишлари учун ҳам кредитлар ажратиш имкониятлари туғилади...

Бошқача айтганда, **иқтисодий** ривожланиш билан бирга **ижтимоий** юксалишга эришиш, одамларнинг ташвиш ва муаммолари ечимига кўмак бериш, юртимизда эркин, фаровон ҳаёт барпо этиб, халқимиз учун муносиб турмуш даражасини яратиш — бош мақсадимиз бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси талпинган ғоя ва танлаган йўл ҳам шу!

Номоз САЪДУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Куни кеча Халқ таълими вазирлигида Корея Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси маслаҳатчиси жаноб Ли Бюнг Хо ҳамда «Korea Telekom» компанияси вакиллари билан вазир ўринбосари Усмонали Мусаев иштирокида ҳамкорлик учрашуви бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувдан кўзланган мақсад, бундан бир неча йил аввал мамлакатимиз халқ таълими бошқармалари ва Корея Республикаси Таълим департаментлари ўртасида ўрнатилган ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш, икки давлат ўртасидаги дипломатик муносабатларни янада мустаҳкамлаш, тизимдаги янгиликлардан хабардор бўлиш ва ўзаро тажриба алмашишни йўлга қўйишдан иборат.

Шу ўринда айтиш жоизки, 1994 йили Тошкент шаҳар ХТБ ва Сеул шаҳар Таълим департаментлари, 2004 йилда эса Хоразм вилоят ХТБ ва Тежон шаҳар таълим департаментлари ўртасида ҳамкорлик ўрнатилган эди. Ўтган йилдан бошлаб ҳар икки давлат педагог ходимлар малакасини ошириш ва тажриба алмашиш тизими йўлга қўйилди. Бунинг самараси ўлароқ, Тошкент шаҳридан 33 нафар информатика фани ўқитувчиси Кореянинг бир қатор шаҳарларида бўлиб, таълим тизими билан яқиндан танишиб қайтдилар.

Учрашувда мазкур алоқалар ҳақида сўз борар экан, икки давлат таълим соҳасининг бугуни ва келажаги тўғрисида атрофлича фикр-мулоҳазалар билдирилди, бажарилиши лозим ишлар кўлами ҳақида келишиб олинди.

Шунингдек, мамлакатимизда жорий этилган 2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури доирасида «Korea Telekom» компанияси томонидан республикамиз умумтаълим мактабларига бепараз ёрдам сифатида жўнатилган 100 та персонал компьютерларнинг тақдимот маросими ҳам ўтказилди.

Анваржон ИСМОИЛОВ,
Халқ таълими вазирлиги матбуот маркази ходими

ХОНАДОНЛАРГА ЯНГИ ЭЛЕКТР ЛИНИЯСИ

Тошкент туман электр тармоқлари корхонаси жамоаси томонидан Ғуломмаҳмуд Абдуллаев номли ширкат хўжалиги ҳудудидаги «Рахбаробод» ва «Дўстлик» маҳаллаларига янги электр линияси тортилиб, беш юздан ортиқ хонадон энергия билан таъминланди.

— Туманда 21 мингдан ортиқ истеъмолчиларга хизмат кўрсатамиз, — дейди корхона бошлиғи А.Файзуллаев. — Мавсумга зарур барча шарт-шароитлар яратиш йўлида қишга қадар мавжуд 11 та ёрдамчи электр тармоқлари узатиш станциялари ва 245 та трансформаторларни тўла жорий таъмирдан чиқарилиб аҳолига энергия узатишда ҳеч қандай муаммо бўлмади.

Суратларда: *моҳир электромантёрлар — Ойбек Тўлаганов ва Маъмур Ҳамробоев; туман марказий электр узатиш тармоқлари станцияси.*

Собир ЗУФАРОВ (ЎзА) олган суратлар

САФЛАР САРАЛАНЯПТИ

Наманган шаҳар партия кенгашида партия аъзоларини қайта рўйхатдан ўтказиш бўйича кўргазмали семинар бўлиб ўтди. Вилоят ва туман кенгашларининг раислари, раис ўринбосарлари ва депутатлик гуруҳи раҳбарлари иштирок этган семинарда рўйхатга олишнинг қулай усуллари, бу тадбирнинг партия ишончли электоратини аниқлаб олишда муҳим жараён эканлиги таъкидланди.

Шаҳар партия кенгаши раиси Акмалхон Умаров бошланғич ва ҳудудий тузилмаларда рўйхатга олишни ташкил этиш, партия аъзоларининг интеллектуал салоҳияти, уларнинг партия дастурий мақсадларини амалга оширишдаги иштироки бўйича фикр-мулоҳазалар билдириб, бажарилган ишлар юзасидан ахборот берди.

Ҳозиргача Наманган шаҳар партия кенгаши таркибида 230 та бошланғич ва ҳудудий ташкилотлар мавжуд бўлиб, уларда 6000 дан зиёд партия аъзолари ҳисобда турарди. Қайта рўйхатга олиш жараёни бошлангандан буён 79 та бошланғич тузилмада 1138 нафар партия аъзолари қайта рўйхатга олиндилар.

Семинар якунида вилоят партия кенгаши раиси Абдурашид Убайдуллаев иштирокчиларга рўйхатга олиш жараёнида жамоатчилик қабулхоналари фаолияти тарғиботини ҳам назардан қочирмаслик зарурлигини таъкидлаб, аёллар ва ёшлар билан ишлашнинг самарали усуллари тўғрисида таклифларини билдирди.

Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Анжуман

АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТ

Халқимизда қадим урф-одатлар, қадрият, анъаналар борки, улар ҳар қандай даврда ҳам ўз қимматини йўқотмайди. Янада сайқаллаланиб, жилоланиб, бойиб бораверади, авлодлардан авлодларга ўтаверади. Элимизнинг бағрикенг, меҳридарё эканлиги, ўзгалар ташвишидан куюниб яшашини унинг ана шундай тарихий қадриятларидан бири — ҳомийликка бугун давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилаётганлигидан ҳам англаш қийин эмас.

Тошкент давлат юридик институтида парламент қуйи палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси билан ҳамкорликда ташкил этилган илмий-амалий конференция ҳам ана шу масалаларга бағишланди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари, жамоатчилик ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар. Анжуманни кириш сўзи билан очган институт ректори Мирзаюсуф Рустамбоев, Қонунчилик палатаси депутати Муҳаббатхон Абдуллаева, юридик фанлари доктори Омон Оқюлов ва бошқалар асосий эътиборни ҳомийликнинг ҳуқуқий базасини Президент ғояларига тўла мос келадиган даражада ишлаб чиқиш масаласига қаратдилар.

Ҳомийлик ёрдами уни олувчи шахснинг иззат-нафси, қадр-қимматини ерга урмаслиги, қўшимча бошқа харажатларни талаб этмаслиги лозим. Ҳомийлик ҳар бир саховатпеша инсоннинг юрагидан чиқиши, бунинг учун биров уни мажбурламаслиги муҳим аҳамиятга эга. Шунда ҳомийлик фаолияти жамиятда аҳиллик, тотувлик, бирдамлик, эзгу мақсадлар сари ҳамжиҳатликда интилиш каби фазилатларнинг янада ривожланишига хизмат қилади.

Муҳокамалар жараёнида конференция иштирокчиларининг мавзу юзасидан хулосалари ишлаб чиқилди.

Беҳзод ШУКУРОВ

Суд ислоҳоти

ЭНГ ИШОНЧЛИ ҲИМОЯ — ҚОНУН ҲИМОЯСИДИР

Президентимизнинг бевосита ташаббуслари билан мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу жараёнда суд ҳокимиятининг мустақиллигини тўлиқ таъминлаш, ушбу соҳада миллий қонунчилик тизимини яратиш сингари мураккаб вазифалар ҳал этилмоқда.

Мамлакатимизда асосий қонунимиз — Конституциямиз қабул қилиниши билан суд-ҳуқуқ ислоҳотларига тамал тоши қўйилди. Унда давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан ташкил топганлиги, бу ҳокимият тизимида суд идораларининг вазифалари аниқ белгилаб қўйилганлиги мустақиллик йилларида мамлакатимизда кенг қамровли суд ислоҳотларини ўтказиш имкониятини яратди. Хусусан, 1993 йил 2 сентябрда (янги таҳрирда 2000 йил 14 декабрь) «Судлар тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Ушбу қонунда суд ҳокимиятининг мустақиллиги, судьялар мақоми сингари конституциявий тамойиллар янада ривожлантирилиб, судьяларни танлаш ва тайинлашнинг демократик ҳуқуқий механизми яратилди. Жумладан, судьялар лавозимга бевосита республика Президенти томонидан тайинланадиган бўлди. Ҳар бир фуқарога унинг ҳуқуқ ва эркинликлари суд томонидан ҳимояланиши, шунингдек, давлат органларининг, мансабдор шахсларнинг, жамоат бирлашмаларининг ноқонуний ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи мустаҳкамланди. Судьяларнинг мустақиллиги ва фақат қонунга бўйсуниши ҳамда дахлсизлиги Конституция билан тўлиқ кафолатланди. Судлар ихтисослаштирилиб, жиноят ишлари, фуқаролик ишлари, хўжалик ишлари бўйича алоҳида-алоҳида судлар ташкил этилди.

Ўтган йиллар мобайнида жиноий жазолар либераллашди, иқтисодиёт соҳасида жиноят содир этган шахсларга нисбатан етказилган моддий зарар қопланган ҳолларда қамоқ билан боғлиқ бўлмаган иқтисодий таъсир чораларини қўллаш жорий этилди. Одил судловни амалга оширишнинг муҳим шаклларидан бўлган — ярашув ва апелляция институтлари суд жараёнига киритилди.

Жиноятларнинг таснифи ўзгарди: оғир ва ўта оғир бўлмаган тоифага кирувчи жиноятлар туркуми сезиларли даражада кенгайтирилиб, ўлим жазоси қўлланилиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби кескин қисқартирилди. Ўтган ўн йилдан ортиқроқ давр мобайнида ўлим жазоси қўлланиши мумкин бўлган жиноятлар таркиби 33 тадан 2 тагача камайди. Жиноий жазо чораси ҳисобланган мол-мулкни мусодара қилиш қонунчиликдан чиқарилди. Суд жараёнида тортишув принципи амалда тўла жорий этилди.

Жиноятларни таснифлаш мезонларининг ўзгартирилиши ва жиноий жазоларнинг эркинлаштирилиши натижасида биргина Тошкент вилояти миқёсида иқтисодиёт соҳасида содир қилинган 751 та жиноят иши бўйича 1225 та шахсга нисбатан етказилган моддий зарарнинг ихтиёрий равишда қопланганлиги муносабати билан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинланган.

Бир қараганда, бу рақамлар оддий маълумотга ўхшайди. Аммо, уларнинг ҳар бири ортида инсон тақдири ётганлигини, қамоққа олинган ҳар бир одам билан биргаликда унинг ота-онаси, оиласи, фарзандлари, қариндош-уруғлари баб-баравар азоб тортишини кўз олдимизга келтириб, бу ҳолатни бир тасаввур қилсак оддий ҳақиқат аён бўлади. Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши эса нафақат судланаётган шахс, балки унинг яқинларини ҳам бундай ташвишлардан қутқарди. Бир сўз билан айтганда, жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши жамиятимизни эркинлаштириш борасидаги олиб борилаётган ислоҳотларнинг муҳим босқичи бўлиб, жиноят қонунчилигида тубдан бурилиш ясади. Адолат ва инсонпарварлик, бағрикенглик ва миллий анъана, урф-одатларга ҳурмат руҳидаги ғоялар билан суғорилган янги Қонун самарасини бугунги кунда халқимизнинг ўзи кўриб, билиб турибди.

Шу ўринда, юртимизда босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган суд соҳасидаги ислоҳотлар нафақат ҳамдўстлик давлатлари, балки халқаро ҳамжамият томонидан ҳам эътироф қилинаётганлигини таъкидлаш жоиздир. 2004 йилнинг октябрь ойида Канада пойтахти Оттава шаҳрида жаҳоннинг 82 давлат вакиллари иштирокида бўлиб ўтган II Бутунжаҳон судьялар конференциясида Ўзбекистон делегацияси томонидан мамлакатимизда амалга оширилаётган суд ислоҳотлари тўғрисидаги тақдим этилган маълумотлар анжуман иштирокчилари ўртасида катта қизиқиш уйғотгани ҳам бежиз эмас.

Жиноий жазоларнинг либераллашуви тўғрисидаги қонун қабул қилиниб, кучга кирган пайтдан бошлаб, 2005 йилнинг якунига қадар 4852 та жиноят иши бўйича 5234 шахс ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Бу жиноят содир этган шунча шахс ўз оиласи ва фарзандлари бағрига қайтганлигидан далолат беради. Бу ҳолатни мамлакатимиз миқёсида олиб қарайдиган бўлсак, ярашганлиги муносабати билан бир неча ўн минглаб фуқаролар ярашуви институтини қўллаш имкониятлари маълум маънода чекланмоқда. Ҳолбуки, ярашув учун қонунда белгиланган муддатда судланувчининг моддий зарарни қоплаш учун ҳоҳиши бўлган тақдирда ҳам бунинг учун маълум вақт талаб қилиниши, жабрланувчи билан ярашиш учун ҳаримиз «судланган»лик тамғасидан халос бўлдилар.

Ярашув институти қўлланилмасдан олдинги ҳолатни кўз олдимизга келтирайлик. Илгари бир маҳаллада яшовчи қўни-қўшни, таниш-билишлар ва ҳатто эр-хотину, ота-ўғил, акаукалар ўзаро можаролар, келишмовчиликлар оқибатида бир-бирларига тан жароҳати етказса, ўзаро ярашганлиги, бирбирини кечирганлигидан қатъи назар, жиноят иши қўзғатилиб, ойлаб тергов ўтказилар, гувоҳ, жабрланувчилар қайта-қайта сўроқ қилинар ва иш судга ўтказилиб, кўп ҳолларда судланувчилар озодликдан маҳрум этиш жазосига маҳкум қилинар эди. Натижада, қўни-қўшни, яқин қариндошлар бир-бирлари билан юз кўрмас бўлиб, ўртадаги совуқлик баъзан оғир оқибатларга олиб келарди. Ярашув институти бу сингари ҳолатларга чек қўйди.

Ярашув институтининг қўлланилиши ўзининг ижобий натижаларини бераётганлигини эътироф этиб, бу борада баъзи бир мулоҳазаларни ҳам билдиришни лозим деб ҳисоблаймиз. Амалдаги қонунчилигимизда ярашув институтини қўллаш имконияти фақат биринчи босқич судига берилган. Бизнинг фикримизча, ярашув институтини қўллашни суднинг апелляция, кассация ва назорат босқичларида ҳам жорий этиш яхши натижа беради. Чунки, амалиётда шундай ҳолатлар ҳам юзага келмоқдаки, биринчи босқич суди ярашув институти таъсир доирасига тушувчи жиноий ишни кўриб, жабрланувчи ярашмаганлиги муносабати билан судланувчига нисбатан айблов ҳукми чиқаради. Аммо, маълум муддат ўтгач, жабрланувчида судланувчи билан ярашув истаги пайдо бўлиб қолган тақдирда ҳам, ярашув учун қонунда белгиланган муддат ўтиб кетганлиги туфайли, кейинги суд босқичи ярашув институтини қўллай олмайди. Бундай ҳолатларда ярашув институтининг имкониятлари маълум маънода чекланмоқда. Ҳолбуки, ярашув учун қонунда белгиланган муддатда судланувчининг моддий зарарни қоплаш учун ҳоҳиши бўлган тақдирда ҳам бунинг учун маълум вақт талаб қилиниши, жабрланувчи билан ярашиш учун унинг кўнглига йўл топиши, шу мақсадда бу жараёнга маҳалладаги кўпни кўрган оқсоқол, кайвониларни жалб этиш ва ўзаро муросага келиш учун маълум вақт ўтишини инобатга олмоқ зарур. Ваҳоланки, миллатимизнинг ўзига хос шарқона камтарлик, ор-номуслилик, ҳар бир масалани маҳалла-кўй билан бамаслаҳат ҳал этиш сингари фазилатларини асло назардан қочирмаслик керак. Шунинг учун ярашув институтини қўллаш имкониятларини янада кенгайтириш мақсадида, жабрланувчига ярашилганлиги муносабати билан жиноят иши бўйича иш юритилишини тугатиш тўғрисидаги илтимос билан суднинг исталган босқичларида мурожаат қилиш ҳуқуқини бериш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ва 2005 йил 8 августдаги «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги Фармонлари мамлакатимизда босқичма-босқич амалга оширилаётган суд соҳасидаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида «Бизнинг бош мақсадимиз — жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» мавзуида қилган маърузасида таъкидлаганидек, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан бошлаб ўлим жазосини бекор қилиш ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш масалаларини ҳал қилиш устида иш олиб борилди.

Кузатув ва таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жиноий жазо сифатида ўлим жазоси қўлланилиб келинаётган бирор бир давлатда мазкур фавқулодда жазонинг мавжудлиги ўта оғир жиноятлар содир қилинишининг камайишига самарали таъсир кўрсатмаган.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини прокуратура органларидан судларга ўтказилиши Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, халқаро ҳуқуқнинг принцип ва нормаларига тўла мос келади. Бу масала ўта масъулиятли вазифа ҳисобланиб, зиммаларига юклатилаётган бу ишонч судьялардан юқори касбий маҳоратни, ўз хизмат бурчига жавобгарликни чуқур ҳис этган ҳолда ёндашишни тақозо этади.

Айтиш жоизки, Фармонларнинг қабул қилиниши муносабати билан бир қатор ташкилий тайёргарлик, жумладан, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Жиноят-ижроия кодекслари ҳамда бошқа қонунчилик ҳужжатларига тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш, умрбод ёки узоқ муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни сақлаш учун зарур ихтисослаштирилган муассасалар қуриш, уларни фойдаланишга тайёрлаш, ўлим жазосини бекор қилиш бўйича аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари олиб бориш, суд тизими кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш сингари ишларни амалга ошириш лозим бўлади.

Ушбу Фармонлар инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан бевосита боғлиқ бўлгани учун ҳам суд соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг навбатдаги босқичида муҳим аҳамият касб этади.

Кўриниб турибдики, давлатимиз томонидан суд соҳасида босқичма-босқич амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар туфайли судларнинг нуфузи ва жамият ҳаётидаги ўрни тобора ошиб бормоқда. Лекин ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар ҳам йўқ эмас. Суд-ҳуқуқ соҳаси билан боғлиқ ислоҳотларни охирига етказиш ҳамда мавжуд баъзи муаммоларни бартараф этиш ҳар биримиздан муайян вазифаларни сидқидилдан, фидойилик билан бажаришимизни талаб этади. Шунда кўзланган мақсадларга тезроқ эришамиз.

Йўлдош НАЗАРОВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг раиси

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият

МИЛЛИЙ БАНКИ

сўм пластик карточкаларини ТАКЛИФ ЭТАДИ

Дўконлардаги харидлар, уяли алоқа хизматлари ҳақини тўлаш, ресторанлар, хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва автомобилларга ёнилғи қуйиш станцияларида ҳисоб-китоб қилиш, авиа ва темир йўл чипталари пулини, коммунал хизматлар ва метрода юриш ҳақини тўлаш — буларнинг барчаси Ўзмиллийбанк сўм карточкалари ёрдамида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш тизимининг имкониятлари

Товарлар ва хизматлар ҳақи тўланаётганда сўм карточка эгаларидан воситачилик ҳақи ундирилмайди.

ЙИЛЛИК 16 ФОИЗ

Зарурат бўлганда, Сиз бутун республикада ўзингизнинг сўм карточкангиздан банкоматлар ёки банк кассалари орқали нақд пул олишингиз мумкин.

Ўзбекистонда турли банклар чиқарган сўм карточкалар бўйича биргаликда хизмат кўрсатишнинг ягона тўлов тизими ишламоқда.

Сўм карточкалар Сизга банкнинг барча бўлим ва филиалларида бепул берилади.

Қўшимча маълумотларни (+095 71) 135-56-09, 134-31-53 рақамли телефонлар орқали ёки Ўзмиллийбанкнинг исталган бўлими ёки филиалидан олишингиз мумкин.
Интернетдаги манзилимиз: www.nbu.com

Қинғир иш — келтирар ташвиш

ИНСОФСИЗНИНГ БИРИ ИККИ БЎЛМАЙДИ

Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни янада эркинлаштириш, тадбиркорликни барқарор ривожлантиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, бу борадаги Фармон ва қарорлар тадбиркорлар учун қўллаб енгилликлар яратди. Тадбиркорлик субъектларига нисбатан ҳуқуқий таъсир чораларини фақат суд орқали қўллаш тартиби жорий этилди. Ҳалоллик, инсоф ва диёнат билан ишлаётган тадбиркорлар бу имкониятлардан самарали фойдаланишмоқда.

Афсуски, эркинликлар яратилиб берилишига қарамасдан айрим тадбиркорлар ва ташкилот раҳбарлари томонидан қонунга зид ишлар, айниқса, контрабанда йўли билан олиб келинган товарлар билан савдо қилиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Зангиота туманидаги «Mary books» МЧЖ раҳбари А.Бектаев ва сотувчи Г.Гренковалар чет элда ишлаб чиқарилган, божхона ҳужжатлари ва сифат сертификати бўлмаган 62,5 миллион сўмликдан зиёд канцелярия молларини савдога чиқаришган. Шунингдек, Тошкент шаҳар «Халқлар дўстлиги» кўчасидаги «ВАЗ маркази»да ўтказилган тадбирда «MALVIL» МЧЖнинг молиявий ишлар бўйича раҳбари Татьяна Вильямс, жамият менежери Илья Балибин ва Вадим Цхайлар ўзаро тил бириктириб, чет элда ишлаб чиқарилган 3 дона «GEKO 6800ED-A/HHBA» генераторини фуқаро О.Ҳамидовга 7 минг АҚШ долларига сотганлиги аниқланди.

Яратилаётган имтиёзлар, енгилликларга қарамай айрим тадбиркорлар нафслари ҳақалак отиб, савдодан тушган маблағларни яшириб, солиқ тўлашдан қочишмоқда. Самарқандлик хусусий тадбиркор Т.Ражапов 2004-2005 йиллар давомида 1 млрд. 74 млн. 524 минг сўмлик қурилиш материалларини сотиб, савдодан тушган нақд пулларни назорат касса машинасидан ўтказмаган, банкка топширмаган. Шунингдек, текширишда Т.Ражапов 849 млн. 260 минг сўмлик қурилиш материалларини жамиятга кирим қилмаганлиги маълум бўлди. Шунингдек, айрим «учар»лар ўз шахсий манфаатларини кўзлаб, халқ ризқига кўз олайтиришдан ҳам тап тортишмаяпти. Жиззах вилоятида жойлашган «Агро Квант» корхонаси ва «Advertisement» хусусий фирмаси раҳбарлари ўзаро тил бириктириб, ноқонуний йўллар билан даромад олиш мақсадида жиноятга қўл уришган. Яъни, улар корхона ҳисоб рақамидан бегона ташкилотга пул кўчириш орқали нақд пулни қўлга киритмоқчи бўлишди. Масъул шахслар кўчирилган пулнинг 91 фоизини нақдлаштириб, 70 минг АҚШ долларини пойтахтимиздаги Чилонзор туманидаги ҳудудида олаётган вақтларида Департамент ходимлари томонидан ушланди. Бундан ташқари, корхонанинг дебитор қарзлари мавжуд бўлиб, ишчи ва хизматчиларнинг иш ҳақларидан қарздорликка йўл қўйилган.

Қонун доирасида ишлаб, даромад топиш, эмин-эркин яшаш ўрнига қинғир йўлларга ўзини урганлар қўлга тушгач, тавба қилиб, кўз ёш тўкиб кечирим сўрашади. Ўйлаб қоласан киши, сабр-тоқат билан, инсоф билан ишласа ўзи ҳам, оиласи ҳам тинч бўладику. Ўйлаб қадам ташлаш ўрнига, қонунга беписанд қараганларнинг ҳеч қачон бири икки бўлмайди.

Мақсуд МУСТАФОЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖҚК Департаменти бўлим бошлиғи

ЎЗБЕК КИНОСИ ФРАНЦИЯДА

Франциянинг Везул шаҳрида 12-Осиё кино санъати халқаро кинофестивали очилди. Анъанага кўра, ушбу нуфузли киноанжуманда кино оламида эришган ютуқлари учун киноусталарга мамлакатнинг «энг ҳурматли меҳмони» мақоми берилади.

Ўзбекистон мазкур анжуманнинг фахрий меҳмони бўлди. Бу анжуман доирасида ўзбек фильмлари намойиш этилиши, мавзуга оид семинарлар ташкил қилиниши ҳамда тақдим этилган асарлар муҳокама этилишини англатади. Бевосита танлов дастурида режиссёр Юсуф Розиқовнинг «Эркак» фильми иштирок этмоқда.

Везулдаги анъанавий кино кўриги Европада Осиё континенти киноусталари ижодига бағишлаб ўтказиладиган эътиборли анжуман ҳисобланади. Бу галги кинофорумга жаҳоннинг 20 дан ортиқ мамлакатидан турли жанрлардаги 72 та фильм тақдим этилган.

Фестиваль директори Жан Марк Теруан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Бу асарлар Яқин Шарқдан Узоқ Шарққача бўлган улкан ҳуддудда яшайдиган одамларнинг ҳаёти ва муаммоларини акс эттирган. Дастурда ретроспектив тарзда ўзбек киноусталари ижодига мансуб 10 дан зиёд асар намойиш этилди. Улардан 6 нафари ўтган асрнинг 60-90 йилларида яратилган ўзбек кинолари бўлса, қолган 4 таси кейинги бир неча йиллар ичида яратилган асарлардир. Улар Францияда илк бор намойиш этилади. Ана шундай фильмлар орасида режиссёр Ю.Розиқовнинг «Ўртоқ Кенжаев», З.Мусоқовнинг «Осмондаги болалар» ва Т.Калимбетовнинг «Қудуқ» каби фильмлари бор. Мухтасар қилиб айтганда, ўзбек киносини яқиндан билишлари учун франциялик томошабинлар ушбу қулай имкониятдан унумли фойдаланишлари мумкин.

Ғайрат ШУКУРОВ,
«Жаҳон» АА мухбири
Париж.

ҚИШЛОҚДА МИНИБАНК

Пахтаобод туманидаги «Янги турмуш» қишлоғида акциядорлик-тижорат «Пахта банк» туман бўлимига қарашли минибанк фаолият бошлади. Бу туманнинг чекка ҳудудларида очилган минибанкларнинг бешинчисидир.

— Мазкур минибанк очилгунига қадар, 23 километр узоқликда жойлашган туман марказига қатнашга мажбур бўлган қишлоқ аҳолиси эндиликда шу жойда турли тўловларни амалга ошириш, пул ўтказмаларини юбориш, кредит олиш ва бошқа хизматлардан фойдаланишлари мумкин.

«Дамас» автомобилига ўрнатилган кўчма касса аҳолига банк хизматларини кўрсатиш қўламининг ошишига омил бўлмоқда. Шу кунларда ойлик тушум ҳажми 70 миллион сўмдан ошмоқда.

К.НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс»

XORIJDA

✓ РОССИЯ

Ўтган ҳафтада Москвада «Катта саккизлик» мамлакатлари молия вазирлари йиғилиши ўтказилди. Учрашув кун тартибидан энергетик хавфсизлик ва камбағал мамлакатлар қарзларини кечиш каби масалалар жой олди.

Вазирлар билан Россия президенти Владимир Путин ҳам учрашди. Россия раҳбари уларни сайёрамизни энергия манбалари билан таъминлаш стратегиясини ишлаб чиқишга чақирди. Бу стратегия атроф-муҳитга минимал даражада зарар етказишига қарамасдан бутун сайёрамизни энергия манбалари билан таъминлаши керак, — деди Путин.

Бундан ташқари, Россия раҳбари «Катта саккизлик»даги раислиги даврида эпидемиялар билан курашиш ва таълим соҳасига эътибор қаратмоқчилигини билдирди.

Владимир Путин Париж клубига тўланиши керак бўлган 12 миллиард долларлик маблағни Россия муддатидан илгари тўлашга тайёр эканлигини хабар қилди. Шу аснода у «Катта саккизлик» вакилларини камбағал мамлакатлар қарзидан кечишга чақирди.

✓ БУЮК БРИТАНИЯ

Буюк Британия бош вазири Тони Блэр Британия ҳарбийлари Ироқ ёшларига нисбатан қўпол муомалада бўлаётгани, уларни қийноққа солаётгани акс этган плёнка борасида тергов ўтказилиши ҳақида хабар берди.

Якшанба куни Британия газеталаридан бири «Ньюс оф зе Уорлд» Британия ҳарбийлари ироқлик ўсмирни қийнаётгани акс этган фотосуратларни чоп этган.

Газета маълумотига кўра, воқеалар бундан икки йил олдин Ироқ жанубида рўй берган.

Газета таҳририяти тасмадаги ҳарбийлар британиялик эканлигини айтган, бироқ қайси қисмда хизмат қилиши кўрсатилмаган. Таҳририят видеотасма ҳақиқийлигини айтиб, уни етказган одам шахсини ошкор қилгани йўқ.

Британия Мудофаа вазирлиги бу каби ҳолатларга жуда жиддий чора кўришини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз: ўтган йили уч нафар британиялик ҳарбий Ироқдаги маҳбусларни қийноққа солгани учун озодликдан маҳрум этилганди.

✓ БМТ

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Табиий офатлар хавфини камайтириш дастури маълумотларига қараганда, 2005 йил дунё миқёсида рўй берган табиий офатлар сони 2004 йилдагига нисбатан 18 фоизга ошган.

Ўтган йил давомида рўй берган табиий офатлар БМТ мазкур тузилмаси ҳамда Бельгиядаги Catholique de Louvian университетининг Эпидемиология ва табиий офатлар тадқиқот маркази ҳамкорлигида ўрганилган ва таҳлил қилинган.

БМТ дастури томонидан эълон қилинган маълумотномада айтилишича, ўтган йили дунёнинг турли бурчакларида 360 маротаба табиий офатлар рўй берган. Уларнинг оқибатида 100 мингдан зиёд одам ҳалок бўлган, 157 миллион киши жароҳат олган. Табиий офатлар натижасида етказилган моддий зарар 159 миллиард АҚШ долларини ташкил этади. 2004 йили бундай табиий офатларнинг сони 304 тани ташкил этгани ҳолда кўрилган моддий зарар 92 миллиард долларга тенг бўлган эди.

Ўтган йилги ҳалокатлар орасида Ҳиндистон, Покистон, Индонезия ва Эронда рўй берган зилзилалар, АҚШ ва Гватемалани ларзага келтирган «Катрина» ҳамда «Стан» тўфонлари, Ҳиндистон, Покистон ва Хитойда рўй берган сув тошқинлари одамлар орасида энг катта қурбонларга сабаб бўлган табиий офатлар сифатида талқин этилмоқда.

Ф.АРЗИЕВ,
«Жаҳон» АА мухбири

✓ АҚШ

АҚШга ёпирилиб келган қор бўрони мамлакатнинг шимолий-шарқий штатларида анча муш-кулликларни келтириб чиқарди.

Шанба куни бошланган қор бўрони 24 соатдан ортиқроқ вақт давом этди. Ҳозир унинг қалинлиги 68 сантиметрга етди. Бундай қалинликдаги қор АҚШда 1869 йилдан бери ёғмаганди.

Кўчаларда машина у ёқда турсин пиёда ҳам юролмай қолди. Автобуслар ва темир йўл транспорти қатнови тўхтатилди. Нью-Йорк шаҳри мэри аҳолини заруратсиз кўчага чиқмасликка чақирди.

✓ ЯПОНИЯ

Японияда Интернет орқали келишиб, ўз ҳаётига қасд қилаётган одамлар сони ошиб бормоқда. Полиция вакиллари 2005 йилда бундайларнинг сони 91 нафарга етганини маълум қилди. 2003 йилда бу кўрсаткич 34 тани ташкил қилганди. Ўз ҳаётига қасд қилганларнинг аксарияти 20 ёшдан 40 ёшгача бўлганлардир.

Интернет орқали ўлим ҳақида келишиб олаётганлар сони мамлакатда ўз ҳаётига қасд қилаётганлар умумий сонининг оз қисмини ташкил қилади. 2003 йилда Японияда 34 минг киши ўз ҳаётига ўзи «нуқта» қўйган.

✓ ХИТОЙ

2005 йилда Хитойнинг кўмир шахталарида рўй берган 3,3 мингдан ортиқ фожиа туфайли 5986 нафар шахс ҳаётдан кўз юмди.

Хитойнинг кўмир саноати расмий вакилларининг хабар беришича, фожиаларнинг келиб чиқишига мамлакатда кўмир тақчиллиги ва даромад орқасидан қувиш сабаб бўлмоқда.

— Мамлакат ҳукумати кўмирчиликдаги хавфсизлик масалаларидан хавотирда эканлигини билдирди. Хавфсизлик қоидаларига жавоб бермайдиган шахталар давлат комиссиялари томонидан ёпиб қўйилмоқда. Бироқ комиссия кетиши билан шахталарда яна иш қайнай бошлайди, — деди расмий вакил.

Бугун — Заҳириддин Муҳаммад БОБУР таваллуд топган кун

БОБУРИЙЛАР ИЗЛАРИ

Мустақилликдан сўнг буюк аждодимиз, ўз илмий ва ижодий мероси билан халқимиз тарихида нурли саҳифа очган Заҳириддин Бобурнинг жаҳон маданиятига қўшган улушини тарғиб этиш, у юрган йўллар бўйлаб сочилган дурдоналарни аниқлаш ҳамда юртимизга қайтариш юзасидан беқиёс ишлар амалга оширилди. Бу борада шоир ва шоҳ номи билан аталувчи халқаро жамғарма ва илмий экспедициянинг хайрли ташаббуслари, айниқса самарали бўлмоқда. Биз жамғарма раиси Зокиржон МАШРАБОВдан улуғ аждодимиз меросини тадқиқ этиш билан боғлиқ ишлар қандай давом эттирилаётгани, қолаверса, жамғарманинг бу йил амалга оширадиган режалари ҳақида сўрадик.

— Маълумки, Бобур халқаро хайрия жамғармаси ўз олдига қўйган эзгу вазифаларни амалга ошириш юзасидан бир талай натижаларга эришди. Жумладан, ўтган йили Бобур ва бобурийлар тарихига оид манбалар, улар илмий меросининг янги намуналарини излаб топиш изчил давом эттирилиб, буюк «Бобурнома» қўлёзмасининг Қозон нусхаси микрофильми, Бамбер Госкойннинг «Буюк мўғуллар» китоби, «Тарихи фаришта», «Фолномаи Бобур подшоҳи ғозий» асарлари нусхалари «Бобур ва жаҳон маданияти» китоб музейидан ўрин олди.

Бобур номидаги халқаро экспедиция Москва, Санкт-Петербург ва Ҳиндистонга сафар уюштирди, буюк шоир Мирзо Ғолиб таваллудига бағишланган илмий семинарда ўзбекистонлик олимлар иштирок этди. Ҳиндистонда бўлиб ўтган мазкур тадбирда Мирзо Бобур илмий-адабий ижодига бағишлаб анжуман ўтказиш таклифини киритдик. Чунки Мирзо Бобур замонасининг етук шоири бўлгани, унинг асарлари ҳақида ҳиндистонликлар биринчи марта профессор Қамар Раиснинг «Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва шеърияти» китоби орқали маълумотга эга бўлдилар.

2005 йил давомида Бобур халқаро илмий экспедициясининг Афғонистон, Яқин Шарқ, Арабистон ярим оролига қилган сафарларини тўлиқ ёритиб берувчи «Афғонистон бўйлаб 17 кун» ва «Бобур ва бошқа буюклар изидан» китоблари ёзилиб, нашрга топширилди. Фатхиддин Исҳоқовнинг «Бобурнома»нинг изоҳли луғати» нашрга тайёрланди, Руме Годеннинг «Гулбадан» романи ўзбек тилига таржима қилинди.

Шунингдек, ҳиндшунос олима Муҳайё Абдурахмонова «Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахсияти ва шеърияти» китобини ўзбек тилига таржима қилди. Яқин кунларда «Меҳри нимрўз» асари академик Алибек Рустамов томонидан ўзбек тилига таржима қилиниб, китобхонларга етказиш режалаштирилган.

Ўтган 2005 йил бобуршунослиқда самарали давр бўлди, десам муболаға бўлмайди. Чунки, профессор Сайфиддин Жалиловнинг «Бобур ўйлари» ва «XV-XVI аср бошларида Фарғона ва Андижон. Маданият ва маънавий ҳаёт» китоблари нашр этилди. Таниқли бобуршунос Ҳасан Қудратуллаевнинг «Бобур армони» номли йирик асари эълон қилинди. Бундан ташқари, Ҳалим Ёрқин Афғонистонда «Бобурий хат» ва «Афғонистон ўзбекларининг тарихи» китобларини чоп эттирди.

Шу ўринда Бобур халқаро хайрия жамғармаси томонидан шоҳ ва шоир юрти Андижонда қилинаётган ободонлаштириш ишларини ҳам келтириб ўтиш жоиз. Жумладан, Бобур миллий истироҳат боғини реконструкция қилиб, 2 қаватли Табиат уйи биносини буюк шоирга аталган тадбирларни ўтказиш учун тайёрлаш мақсадимиз бор.

Маълумки, Афғонистонга уюштирган экспедицияларимиздан бирида мавлоно Лутфий қабрини топиш бахтига муяссар бўлган эдик. Ҳозирда мақбаранинг сағана тоши андижонлик ва нуроталик усталар Йўлбарсжон ва Тоҳиржонлар томонидан тайёрланди. Худо хоҳласа, яқин кунлар ичида ушбу сағана тошини Афғонистоннинг Ҳирот шаҳридаги мавлоно қабрига олиб бориб ўрнатишни мўлжаллаяпмиз.

Келгуси режалар ҳақида тўхталадиган бўлсак, жорий йилда ҳам ушбу хайрли ишларни давом эттириш, хусусан Бобур илмий экспедициясини уюштириш мақсадида ҳозирда зарур тадбирларни ишлаб чиқмоқдамиз. Шунингдек, «Буюк Бобур Мирзо» бадиий фильмини яратиш мақсадида Афғонистон, Покистон ва ўзбекистонлик ижодкорларнинг ҳамкорликда фаолият олиб боришлари режалаштирилмоқда. Агар назар ташласак, буюк шахсларга атаб «Наполеон», «Спартак» каби машҳур фильмлар яратилган. Бизнинг мақсадимиз, ушбу фильм орқали Бобур Мирзо шахсиятини жаҳонга олиб чиқиш, унинг фаолиятини дунёга танитиш.

Бугунги кунда аждодларимиз ўтмишига дахлдор ноёб китоблар, қўлёзма асарларни, шунингдек, Бобур ва Бобурийлар ҳақидаги манбаларни («Мусиқа тарихи», «Ҳарб иши» каби), «Бобурнома»нинг йўқолган саҳифаларини излаб топиш ҳамда юртимизга келтириш мақсадида Африкага сафарлар уюштиришни режалаштираяпмиз.

Матназар ЭЛМУРОДОВ ёзиб олди.

ҒАЗАЛ

Оёғин ўпсам етишгай арш тоқиға бошим,
Даст бергай давлатим, гар тутса илгим маҳвашим.

Қўймоғумдур этагинг кетсам илигдин ҳар неча,
Бормоғумдур остонингдин, агар борса бошим.

Ўтти эл бўлмоқдин ул ёш, мен қариғум ишқида,
Ўлганим яхши, бу навъ ар ўтса элликдин ёшим.

Дўстлар, кўнглумдагин қабрим тошиға ёзғайсиз,
Токи бирдек бўлғай ул ой ишқида ичим, тошим.

Ёр айтти: қичқирма, гар Бобур деса ҳолин санга,
Найлайин, бу ғурбат ичра сендин ўзга йўқ кишим.

ДИҚҚАТ!

СИРТҚИ ҚАБУЛ СОАТЛАРИ

Сизнинг саволларингизга Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги Бош бошқармаси бошлиғи биринчи ўринбосари Ғайрат БОЛТАБОЕВ жавоб беради

Мустақиллик йилларида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида кўплаб ўзгариш ва янгиланишлар бўлди. Ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлаш ҳамда соҳа ходимларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида ДАН (давлат автомобиль назорати) негизида ДЙХХХ (давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати) тузилди. Йўл ҳаракатини тартибга солиш ва хавфсизлигини таъминлаш, йўл-патруль хизмати бўлинмаларининг хизмат ўташ ҳудудларида жамоат тартибини сақлаш, шунингдек ички қўшинлар ҳамда ички ишлар органларининг тегишли хизматлари билан биргаликда террорчилик ҳаракатлари, гиёҳванд моддалар, ўқотар қуролларни ноқонуний ташиш ва бошқа жиноятчиликларнинг олдини олиш, аниқлаш ва бартараф этиш ДЙҲХХ тизимларининг асосий вазифалари қилиб белгиланди. Бу хизмат замонавий техника ва технологиялар, ахборот-компьютер тизими билан таъминлангани ўз самарасини бермоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Бироқ, жойларда соҳа тизимидаги ислоҳотларга тўсиқ бўлаётган муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. ЙПХ (йўл патруль хизмати) ходимларининг муомаласи, маданияти ҳақида турли фикрлар билдирилмоқда. Йўл-ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича айниқса, қиш мавсумида муаммолар етарли.

Ҳайдовчи ва пиёдалар томонидан йўл ҳаракати қоидаларини бузиш ҳоллари ҳамон тез-тез содир этилмоқда. Уларга нисбатан жазони кучайтириш керакми ёки тарғибот-ташвиқот ишларинимі? Шунингдек, йўл ҳаракати хавфсизлигини янада такомиллаштириш бўйича қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор? Ўзингизни қизиқтирган барча саволлар билан «Ўзбекистон овози» газетасининг «Сиртқи қабул соатлари»га мурожаат қилишингиз мумкин.

Савол ва таклифларингизни хат, шошилинчнома, факс ёки телефон орқали йўллашингиз мумкин.

Мурожаатлар 20 февралгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент 700000, Матбуотчилар кўчаси 32-уй, «Ўзбекистон овози» газетаси таҳририяти.

Тел.: 136-76-21, факс: 133-12-56.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Farruh HAMROYEV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Norbobo SHAKAROV
Nomoz SA'DULLAYEV
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Muslihiddin MUHIDDINOV
Olim MURODOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-10-13
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-76-21
Ekologiya, salomatlik va odob-ahloq 133-44-55
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Mas'ul kotib 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-22-32
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-15
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.
e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi: Matnazar ELMURODOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi: Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 008-raqam bilan ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 450
14289 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
O'zA yakuni — 21.30
Topshirish vaqti — 22.10
1 2 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Спорт

САЙТ ОЧИЛДИ

Италиянинг Турин шаҳрида қишки Олимпия ўйинлари бошланиши муносабати билан янги «Рамблер Турин — 2006» сайти очилган.

Мухбирларга тарқатилган матбуот ахборотномасида баён этилишича, «Оқ олимпиада» воқеалари билан боғлиқ турли хабарлар ва мусобақалар натижаларию уларнинг шарҳлари тезкор усулда ана шу сайт орқали узатиляпти. Шунингдек, Россия спортчилари макон топган «Рус уйи»дан репортажлар, қишки Олимпия ўйинларининг бориши ҳақидаги маълумотнома, мусобақаларни телевидение орқали олиб кўрсатиш жадвали, Олимпия иншоотларидаги воқеалар ҳамда ғолибларга бериладиган медалларнинг рўйхати ҳам кўрсатиб борилмоқда.

ҲАР ИШДА ФИДОЙИЛИК КЕРАК

Кураш Қорақалпоғистонда энг оммавий спорт турларидан саналади. Жойларда кураш тўгараклари фаолиятининг тўғри йўлга қўйилганлиги, иқтидорли ёшларга катта эътибор берилаётганлиги боис, қорақалпоқ полвонлари халқаро мусобақаларда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келишмоқда. Жумладан, Буюк Британияда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган Ислом Каримов халқаро турнирида Баҳром Эрматов икки маротаба ғолиб чиққан бўлса, Феруза Ҳайтимбетова олтин, Шокиржон Кўчқоров бронза медаллари билан тақдирланди. Низомитдин Хўжабоев, Баҳром Эрматов, Жиянбой Қулжонов ҳамда Зулхўжа Худоёровалар эса ёшлар ва катталар ўртасида уюштирилган жаҳон чемпионатларида олтин медалга сазовор бўлишди. Шунингдек, 2002 йили Деҳли (Ҳиндистон)да кураш бўйича ўтган Осиё чемпионатида Туғри Самадова (+87 кг.), Гулмора Қаниязова (63 кг.)лар кумуш медални қўлга киритди.

— Бундай ютуқларга аввало мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, соғлом авлодни вояга етказишга катта эътибор берилаётганлиги туфайли эришилмоқда, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Кураш федерацияси президенти, «Қорақалпоқсавдо» акциядорлик компанияси раиси Бахтиёр Кўчқоров. — Иқтидорли ёшлар эса юртимизда истаганча топилади. Бугун жойларда қад ростлаётган бир-биридан муҳташам спорт мажмуалари фарзандларимизнинг баркамол бўлиб улғайишлари учун замин яратиши шубҳасиз.

Қорақалпоғистонда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси саъй-ҳаракати натижасида нафақат Нукус шаҳрида, балки Амударё, Хўжайли, Кегейли каби туманларда ҳам замонавий спорт мажмуалари қуриб фойдаланишга топширилди. Бундай бунёдкорлик ишларига федерациямиз ва «Қорақалпоқсавдо» акциядорлик компанияси муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Мисол учун, Нукус шаҳрида 27 йилдан бери қурилиши ўлда-жўлда бўлиб ётган спорт иншоотини ҳашар йўли билан битказиб, фойдаланишга топширдик. Айни кунларда эса Қоратовда курашчилар учун спорт-соғломлаштириш мажмуи барпо этяяпмиз.

— Федерациямиз мусобақалар уюштириш борасида етарли тажрибага эга, — дея сўзида давом этади Бахтиёр Кўчқоров. — Жумладан, Нукусда 2000 йилда кураш бўйича Сапалақ полвон Шамуратов хотирасига бағишлаб, 2001 йилда эса Ўзбекистон Президенти соврини учун ўтказилган халқаро турнирлар юксак савияда ташкил этилди. Дунёнинг кўплаб давлатларидан полвонлар иштирок этган ана шу йирик мусобақалар катта кураш байрамларига айланиб кетди. Келгусида бу анъанани яна давом эттириш ниятидамиз. Қолаверса, кураш бўйича ўтадиган мамлакат биринчиликлари ва Ўзбекистон кубоги бахсларини ҳам Қорақалпоғистонда уюштиришни мўлжаллаб турибмиз.

Ҳа, Бахтиёр Шамуратов сингари фидойи инсонлар туфайли Қорақалпоғистонда кураш янада оммалашиб бораётир.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

82 ЙИЛДАН КЕЙИН ТОПШИРИЛГАН МЕДАЛЛАР

1924 йили Франциянинг Шамони шаҳрида ўтказилган қишки Олимпия ўйинларида иштирок этган кёрлинг бўйича Шотландия терма жамоаси аъзоларидан 4 нафарига куни кеча Халқаро Олимпия Қўмитаси расмий равишда олтин медаллар топширди, деб хабар беради «France Presse» агентлиги.

Гап шундаки, 82 йил аввал спортнинг мазкур тури қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритилмаган эди. Шунинг учун ҳам кёрлинг бўйича шотландияликларнинг чиқишларига кўргазмали намойиш сифатида қаралган ва уларга эсдалик нишонлари топширилган.

Яқинда Глазгода нашр этиладиган газеталардан бири ХОҚга илтимос билан мурожаат қилиб, ўшанда Англия терма жамоаси кёрлинг бўйича дастлабки чемпион бўлганлигини маълум қилган. Қироллик архивларида кёрлинг клуби мақомини белгиловчи ҳужжатлар топилган. Шундан кейин ХОҚ ўз хатосини тузатишга мажбур бўлган. Албатта, олтин медаллар ғолибларнинг вафотидан кейин тақдим этилди. Сўзсиз ўша даврдаги кёрлинг клуби бўйича мусобақалар билан ҳозиргиси фарқ қилади. У пайтларда баҳслар очиқ майдонда уюштирилган бўлса, ҳозир ёпиқ майдондаги муз устида ўтказилмоқда.

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси раҳбарияти ва тармоқ касаба уюшмаси марказий кенгаши «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК бошқаруви раисининг биринчи ўринбосари Фазлитдин Фатхуллаевич Сагдуллаевга волидаи муҳтарамаси **МУКАРРАМ ая**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистоннинг йирик ва универсал банкларидан

BANK XALQ BANKI

ХАЛҚ БАНКИ

мижозлар талаб ва таклифларини ҳамда уларнинг банк ютуқли омонатига бўлган қизиқишларини инобатга олиб янги

«БАҲОР»

ютуқли омонат турини ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Омонатга пул маблағлари **3 ОЙ** муддатга, камида **10 000** сўм миқдорида Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.

Сиз фоиз даромадини олиш билан бир вақтда қўшимча **100 000** сўм ва **1 000 000** сўмгача миқдордаги пул ютуқлари совриндори бўлиш имкониятини қўлга киритасиз.

***«БАҲОР»** омонатига аҳоли бўш пул маблағлари жорий йилнинг 1 апрелига қадар қабул қилиниб, ютуқлар тиражи 2006 йилнинг апрель ойида* **Навоий шаҳрида ўтказилади.**

ОМОНАТИНГИЗНИ ИШОНЧЛИ БАНКДА САҚЛАНГ ВА КЎПАЙТИРИНГ!

Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармаси ҳузуридаги «POYTAXT AUKSION» *давлат унитар корхонаси*

2006 йилнинг 17,24,28,31 март ва 4,7,11,14,18,21,25,28 апрель кунлари аукцион савдоларини ўтказади

САВДОЛАРГА ҚУЙИДАГИ ОБЪЕКТЛАР ҚЎЙИЛАДИ:

Юнусобод тумани, 17-мавзеда жойлашган «Chinobod neft bazasi» унитар корхонасининг автотранспорт воситалари:

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AQ 963 бўлган «ВАЗ-2107» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 704 000 сўм.

— 1991 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AH 425 бўлган «ВАЗ-2121» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 810 000 сўм.

— 1995 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AQ 666 бўлган «УАЗ-2206» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 850 000 сўм.

Тошкент вилояти, Тошкент тумани, «Юнусобод қишлоқ кенгаши, Дархон қишлоғида жойлашган «Давлат белгиси» давлат ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли Тошкент қоғоз фабрикасининг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10UZ 971 бўлган «ГАЗ-31029» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 1 195 000 сўм.

Сирғали тумани, «Спутник» 14-мавзе, 124-уйда жойлашган «13-Кўприк қурилиш отряди»нинг 1996 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10AP 543 бўлган «Эсперо» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 2 050 000 сўм.

Тошкент шаҳар, Фурқат кўчаси, 1-уйда жойлашган яккама-якка кураш бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг 1999 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 AL 233 бўлган «Тико» русумли а/в.

Бошланғич нархи — 1400000 сўм.

Савдоларда қатнашиш истагини билдирган талабгорлар объектнинг бошланғич нархидан 10% миқдоридаги закалат пулини «POYTAXT AUKSION» ДУК АТИБ «Ипотека-банки» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 204399967, 20210000804243151001 ҳисоб рақамига тўлайдилар.

Аризалар қабул қилиш савдодан бир соат аввал тўхтатилади. Савдолар соат 11.00 да бошланади.

Савдолар Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 16-«А» уйда ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 133-23-40, 133-02-49.

Гувоҳнома № 000815

«POYTAXT AUKSION» ДУК 2006 йилнинг 3,7 февраль кунлари ўтказилган аукцион савдоларида қуйидаги объектлар сотилганлигини маълум қилади:

Тошкент шаҳри ҳудудида жойлашган қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

Юнусобод тумани, Мойқўрғон кўчасида, сатҳи 0,15 га. бўлган, қаҳвахона ва савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 23 400 000 сўмга;

Юнусобод тумани, 15-мавзе, Т.Зоҳидов кўчасида, сатҳи 0,03 га. бўлган савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 4 750 000 сўмга;

Юнусобод тумани, 19-мавзе М.Мирзаев кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган, икки қаватли савдо-маиший хизмат кўрсатиш ва умумий овқатланиш мажмуаси қуриш учун ер участкаси — 4 350 000 сўмга;

Ҳамза тумани, Шолохов кўчаси, 46-уй ёнида, сатҳи 0,015 га. бўлган, дорихона ва дўкон қуриш учун ер участкаси — 4 390 000 сўмга;

Учтепа тумани, Лутфий кўчасида, сатҳи 0,04 га. бўлган, савдо дўкони қуриш учун ер участкаси — 5 900 000 сўмга;

Яккасарой тумани, Чўпон ота кўчасида, сатҳи 0,006 га. бўлган, дўкон қуриш учун ер участкаси — 1 240 000 сўмга;

Автотранспорт воситалари:

«O'ZBEKISTON SHAMPANI» ОАЖнинг автотранспорт воситалари:

— д/р 10AX346 бўлган «ВАЗ-21061» русумли а/в — 1 310 000 сўмга;

— д/р 10AX030 бўлган «ВАЗ-21074» русумли а/в — 2 740 000 сўмга;

— д/р 10AB332 бўлган «ИЖ-2715» русумли а/в — 760 000 сўмга;

«DAVAVIANAZORAT» давлат назирлигининг д/р 10AZ123 бўлган «ГАЗ-310200» русумли а/в — 3 300 000 сўмга;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат дон инспекциясининг д/р 10UZ962 бўлган «Нексия» русумли а/в — 2 450 000 сўмга сотилди.